

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 29.12.2018. S.23.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАГИЕВА ГУЛСУМ ГАФУРОВНА

**ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТДА ИЖТИМОЙ ҲАМЖИҲАТЛИК
ТАМОЙИЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

22.00.02 – Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи

**СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

**Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по социологическим наукам**

**Content of the abstract dissertation of the doctor of Philosophy (PhD) on
sociological sciences**

Тагиева Гулсум Гафуровна

Халқ билан мулоқотда ижтимоий ҳамжихатлик тамойилларини
такомиллаштириш 3

Тагиева Гулсум Гафуровна

Совершенствование принципов социальной солидарности при диалогии с
народом 25

Tagiyeva Gulsum Gafurovna

Improving the principles of social solidarity in dialogue with people 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of publications

Список опубликованных работ 50

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 29.12.2018. S.23.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАГИЕВА ГУЛСУМ ГАФУРОВНА

**ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТДА ИЖТИМОЙ ҲАМЖИҲАТЛИК
ТАМОЙИЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

22.00.02 – Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи

**СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Sots30 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (info@dba.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Содиқова Шоҳида Марҳабоевна
социология фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Ганиева Марифат Хабибовна
социология фанлари доктори, профессор

Калонов Комил Кулахматович
социология фанлари номзоди, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат маданият ва санъат институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳузуридаги DSc 29.12.2018.S.23.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «12» декабр соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 45-уй. Тел.: 0(371) 232-60-47; факс: 0(371)239-17-83, e-mail: info@dba.uz Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси Маъмурий биноси, 2-қават, 220 хона).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (№45 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 45-уй. Тел.: 0(371) 232-60-47; факс: 0(371)239-17-83, e-mail: info@dba.uz Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси Маъмурий биноси, 2-қават, 220-хона.)

Диссертация автореферати 2019 йил «25» ноябр куни тарқатилди.
(2019 йил «25» ноябрдаги 4 рақамли реестр баённомаси.)

М.Б.Бекмуродов,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
социология фанлари доктори, профессор

А.Б.Юнусов,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби,
социология фанлари номзоди

Ш.М.Содиқова,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, социология
фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё аҳолисининг демографик таркиби ўсиб бориши билан шахслараро ижтимоий ҳамжиҳатлик муносабатлари тизимини такомиллаштириш ҳамда унинг барқарорлигига эришиш долзарб масалалардан бири сифатида кун тартибига янги вазифаларни қўймоқда. Маълумотларга кўра, «...янги демографик прогнозлар билан кўрсатилган тенденцияларга қараганда 2010 ва 2050 йиллар мобайнида дунё аҳолиси 9,3миллиардга, яъни 35% ўсиши кутилмоқда»¹.

Жаҳонда ижтимоий ҳамжиҳатликни такомиллаштириш борасида олиб борилган тадқиқотлар, жумладан, жамиятда турли гуруҳлар билан корпоратив ҳамкорлик қилиш имконияти (Pew Research Center, АҚШ), аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилаш, ижтимоий ҳимоя қилиш ва турмуш даражасини янада ошириш (Kioto of universities, Япония), турли этник қатламлар орасида ҳамжиҳатлик анъаналарининг мавжудлиги мамлакат ижтимоий барқарорликка эришиш (Chinese Academy of social Sciences, Хитой), шунингдек, давлат қурилишига ноёб, инновацияга асосланган ёндашувлар (Roskilde University, Дания) қўлланилишини янада ривожлантириш имконини бермоқда.

Мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида ижтимоий ҳамжиҳатлик жамиятимизда меҳр-шавқат руҳи тобора кучайиб боришини яққол ифода этувчи ҳодисадир, шунингдек, аҳолининг турли қатламлари муаммолари ечимига алоҳида ёндашиш халқ билан мулоқотнинг ўзига хос хусусиятини назарда тутди. «Аҳоли билан очиқ, тенг мулоқотни ташкил этиш»² бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Шу сабабли республикамизда ижтимоий соҳада олиб борилаётган таълим-тарбия ва тарғибот-ташвиқот ишларини яхшилаш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири бўлиб, аҳолининг ижтимоий-сиёсий онгини шакллантиришнинг илмий-назарий асосларини, усул ва воситаларини такомиллаштириб боришда объектив зарурат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»ни «Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари»ни шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5633-сон «Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонини ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

¹ my-calend.ru/holidays/den-solidarnosti-lyudey

² Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017. 44-бет.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Халқ билан мулоқот, ижтимоий ҳамжиҳатлик тамойилларининг мазмун-моҳиятига доир масалаларнинг методологик асоси қадимдан олимларни қизиқтириб келган. Маънавий меросимиз «Авесто»да ҳам инсонни улуғлаш, унга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, унинг манфаатларини ҳимоя қилиш инсон ҳаётининг маъно-мазмунини белгилайдиган муҳим мезон эканлиги баён этилган.

Ушбу масалалар Қадимги Юнонистон ва Рим олимлари томонидан ҳам ўрганилган. Хусусан, Афлотун ижтимоий ҳамжиҳатлик тамойилларини жамиятга ягона дунёқараш ва умумий мақсадларни белгилаб берадиган етакчи сиёсий ҳамда маданий парадигма эканлиги ҳақида ёзган.

Ижтимоий ҳамжиҳатлик тамойиллари масаласига Шарқ алломалари ҳам алоҳида эътибор қаратганлар. Жумладан, Абу Наср Форобий «Фозил одамлар шаҳри» асарида куйидагиларни ёзади: «Жамиятда тотувлик ва барқарор тараққиёт турли шахслар ҳамда тоифалар ўртасидаги ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликка боғлиқ»³. Шахс манфаатлари миллат ва жамият манфаатларига уйғунлашган ҳолдагина юксак қатламлар орасидаги муносабатлар ҳамда ўзаро ҳамжиҳатликни яхшилаш жамиятдаги барқарорликни мустаҳкамлашга замин яратиши таъкидланади.

Аммо, ижтимоий ҳамжиҳатлик ҳодисаси шу вақтга қадар ўзининг реал субъектига яқинлаштирилиб, яъни халқ билан мулоқот самарадорлигини таъминлаш негизи асосида махсус ва тизимли ўрганилмаган. Шунингдек, жаҳонда ҳам ижтимоий ҳамжиҳатликка таъсир этувчи ижтимоий-маънавий жараёнлар, ментал ва этномаданий хусусиятлар, халқ билан мулоқот орқали ижтимоий ҳамжиҳатлик тамойилларини мустаҳкамлаш соҳасига оид махсус илмий тадқиқотлар олиб борилмаган. Шу боисдан халқ билан мулоқотда ижтимоий ҳамжиҳатлик тамойилларини янада такомиллаштириш масаласини махсус ўрганиш ва уни тизимли социологик таҳлил этиш муҳим аҳамият касб этади.

Хорижлик олимлар Т.Гоббс, Г.Гегель, М.Вебер⁴ларнинг илмий ишларида ижтимоий ҳамжиҳатликнинг умумий жиҳатлари ўрганилган бўлсада, бу воқеликнинг инсонлараро муносабатларни яхшилаш жараёнида позитив моҳияти нуқтаи назаридан тадқиқ этилмаган.

³ Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1993. – Б.186.

⁴ Томас Гоббс. Левиафан или материя, форма и власть государства церковного и гражданского. –М.: Мысль, 2001. –С. 828.; Г.Гегель. Лекции по философии духа. Берлин 1827/1828. –М.: Дело, 2014. – С. 302.; Макс Вебер. Избранное. Протестантская этика и дух капитализма. –М.: Центр гуманитарныхинициатив, 2014.- С.656.

МДХ мамлакатлари олимларида ижтимоий ҳамжиҳатликнинг баъзи жиҳатларини В.Соловьев, Н.Бердяев, П.Козловский⁵ларнинг илмий асарларида кузатиш мумкин. Мазкур олимлар ижтимоий ҳамжиҳатлик жараёнига ҳар томонлама илмий ёндашиш зарурлигини, инсон ҳаёти умумий жараён бўлиб, унга турли объектив ва субъектив омилларнинг бевосита ҳамда билвосита таъсир этишини асослаб беришган.

Мамлакатимиз олимлари Н.Алиқориев, О.Абдуазимов, А.Бегматов, М.Бекмуродов, М.Ганиева, Ш.Содиқова, А.Умаров, А.Холбеков, Т.Матибаев⁶ларнинг ишларида ижтимоий ҳамжиҳатлик тамойилларининг сиёсий, ижтимоий ва ментал хусусиятлари масалалари социологик жиҳатдан муайян даражада таҳлил қилинган.

Олиб борилган тадқиқотларда ижтимоий ҳамжиҳатлик, аҳолининг турмуш даражасини ошириш учун қилинаётган ишлар, уларга давлатимиз томонидан кўрсатилаётган юксак эътибор масаласига илмий жиҳатдан аҳамият қаратиб келинаётган бўлсада, халқ билан мулоқотда ижтимоий ҳамжиҳатлик тамойилларини янада такомиллаштириш, хусусан, бу ҳодисанинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий жиҳатлари етарли даражада ўрганилмаётгани эътироф этилган. Бу эса диссертант томонидан тадқиқот мавзусини танлаш имконини берди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университетининг 2016-2020 йилларга мўлжалланган илмий тадқиқот ишлари режасининг «Фуқаролик жамияти ривожланишининг сиёсий, маданий, мафкуравий муаммолари» мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади халқ билан мулоқот жараёни самарадорлигини оширишда ижтимоий ҳамжиҳатлик тамойилларини тизимли тадқиқ этишнинг позитив имкониятларини назарий-эмпирик асослаб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ижтимоий ҳамжиҳатлик феноменини социологик категория сифатида аниқ тавсифлаш;

⁵Соловьев В.О. Вере еврейского народа. Заметки по еврейской истории (№8(155) август 2012 года). Архивировано из первоисточника 14 октября 2012. Проверено 15 августа 2012.; Бердяев Н. Самопознание: (Опыт философской автобиографии). -М.: 1991. -С. 9.; Козловский П.Б. Католическая энциклопедия. -М.: 2005. Т.2. -С. 1144-1145.

⁶ Алиқориев Н. Ўзбекистонда социологик тадқиқотлар ва илмий мактаблар // Республика илмий-амалий анжуман материаллари. 1-китоб. – Тошкент, 2010. – Б.10.; Абдуазимов О. Ахборотлашган жамиятда жамоатчилик фикри мониторингини таъминлашда оммавий коммуникациялар социологиясининг ўрни. – Тошкент: Фан ва технология, 2016. –Б. 92-113.; Бегматов А. Маънавият фалсафаси ёхуд И.А.Каримов асарларида янги фалсафий тизимнинг яратилиши. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 92.; Бекмуродов М. Ўзбек менталитети. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004. – Б. 36.; Ганиева М. Современная идентичность узбекистанцев // Монография, – Ташкент: Ижтимоий фикр, 2017. – С. -148.; Содиқова Ш. Ёшларни ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда кексаларнинг ўрни. –Тошкент.: Янги аср авлоди, 2016.-Б.99.; Умаров А. Республика ахборот-кутубхона соҳаси: янгича талаблар // Халқаро конференция материаллари. – Тошкент, 2010. – Б.9.; Холбеков А. Маънавий кадрларни тиклаш, мустақиллик мафкурасини яратишда миллий кутубхоналарнинг ўрни ва аҳамияти // Республика илмий-амалий анжуман материаллари. – Тошкент, 2015. – Б. 363.; Матибаев Т. Ижтимоий ҳамкорлик – миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенгликни таъминлаш воситаси. –Тошкент: Янги китоб, 2016. –Б. 156.

ижтимоий ҳамжиҳатлик тамойилларининг назарий-методологик жиҳатларини илмий асослаш;

халқ билан мулоқотда ижтимоий ҳамжиҳатлик тамойилларига амал қилишнинг реал ҳолатини социологик ўрганиш;

жамият ҳаётида ижтимоий ҳамжиҳатликни амалга ошириш йўлларини социологик тадқиқ этиш;

давлат органлари фаолиятида ижтимоий ҳамжиҳатлик тамойилларини қўллаб-қувватлаш ҳолатини баҳолаш;

ижтимоий ҳамжиҳатлик тамойиллари орқали халқ билан мулоқот самарадорлигини ошириш бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти – халқ билан мулоқот жараёнида ижтимоий ҳамжиҳатлик тамойилларига таяниш ҳолати.

Тадқиқотнинг предмети ижтимоий ҳамжиҳатлик феноменининг халқ билан мулоқот самарадорлигини оширишдаги позитив таъсирининг хусусиятлари.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихийлик, мантиқийлик, тизимлилик, ўзаро алоқадорлик, қиёсий таҳлил, сўровнома, интервью каби тадқиқот ва таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқот ишининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ижтимоий ҳамжиҳатлик омилининг ижтимоий ҳамжиҳатликка трансформацияланишига фикрга кўндириш технологиялари (муаммони аниқлаш, унинг ечимини таклиф этиш, танлаш имконияти, савол ва эътирозлар билан ишлаш, танловни амалга ошириш) орқали эришилиши микро, мезо ва макро гуруҳларда тоифаланиб намоён бўлишининг коммуникатив ҳамда этноҳудудий хусусиятлари асосланган;

ҳамжиҳатлик омилини маънавий-ахлоқий (ишонч, ҳамдардлик, виждонийлик, ҳамкорлик, орият) тамойиллар асосида такомиллаштиришда ментал ва маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олиб ёндашиш самарадорлигининг ижтимоий-маънавий аҳамияти очиқ берилган;

ижтимоий ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашда зарур бўлган ҳар бир фуқаро истагидаги мақбул ёндашув ва ижтимоий воқелик меъёрлари (қонунлар, жамият қоидалари) ўртасидаги уйғунлик ҳамда яқдилликни жонли мулоқот, коучинг, тренинг усуллари орқали шакллантирилишининг ижтимоий зарурати асосланган;

ижтимоий ҳамжиҳатлик тамойилларини (эркинлик, адолат, ишонч, меҳр-оқибат, ҳамкорлик, ҳамдардлик, ғурур, ўзаро ҳурмат) ҳар бир этник бирлик ҳудуд ва соҳаларда обрў-эътиборли шахс омили, унинг ақл-фаросати, ташаббускорлиги, феъли, иродаси негизида рўёбга чиқарилиши жамиятда воқеликка позитив ёндашувни кучайтириши асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

халқ билан мулоқотда ижтимоий ҳамжиҳатлик тамойилларини янада такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган; «ижтимоий ҳамжиҳатлик» ҳодисасининг этномаданий моҳияти аниқланиб, хориж тажрибаси асосида амалиётга жорий этиш механизми ишлаб чиқилган;

жамият ҳаётида ижтимоий ҳамжиҳатлик доирасини янада кенгайтириш ва уни амалга ошириш йўллари, шунингдек, давлат ташкилотлари орқали ижтимоий ҳамжиҳатлик тамойилларининг қўллаб-қувватланиши, халқ билан мулоқотнинг барқарор ривожланишида ижтимоий ҳамжиҳатлик тамойилларининг аҳамиятлилик даражаси аниқланган; тизимли социологик ёндашувлар асосида ижтимоий ҳамжиҳатлик тамойилларини ривожлантиришда интегратив, рационал-прагматик, маънавий-аксиологик ёндашувлар мутаносиблигини таъминлаш зарурати асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар расмий манбалардан олингани, ўтказилган социологик сўровноманинг анкета, интервью ва эксперт сўров шаклларига асослангани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти халқ билан мулоқотда ижтимоий ҳамжиҳатлик тамойилларининг социологик таҳлили асосида олинган натижалар ушбу йўналишдаги методологик-услубий ёндашувларни такомиллаштиришда фойдаланиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ижтимоий ҳамжиҳатлик тамойилларини аҳолининг турли қатламлари, шунингдек, давлат ва фуқаролик жамияти институтлари томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда такомиллаштиришга бағишланган мақсадли давлат дастурларини ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Халқ билан мулоқотда ижтимоий ҳамжиҳатлик тамойилларини такомиллаштириш фояларини тадқиқ қилиш асосида:

ижтимоий бирдамлик омилининг ижтимоий ҳамжиҳатликка трансформацияланишига фикрга кўндириш технологиялари (муаммони аниқлаш, унинг ечимини таклиф этиш, танлаш имконияти, савол ва эътирозлар билан ишлаш, танловни амалга ошириш) орқали эришилиши микро, мезо ва макро гуруҳларда тоифаланиб намоён бўлишининг коммуникатив ҳамда этнохудудий хусусиятларидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Самарқанд шаҳридаги Халқ қабулхонасининг 2018 йил 4 августдаги баённомасига асосан аҳоли ўртасида ўтказилган сайёр учрашувлар жараёнида кенг фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Президентининг Самарқанд шаҳридаги Халқ қабулхонасининг 2018 йил 19 ноябрдаги маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши давлат органлари ва жамоат ташкилотлари, шунингдек, турли меҳнат жамоалари орасида ижтимоий муносабатларни тартибга солишга хизмат қилган;

ҳамжиҳатлик омилини маънавий-ахлоқий (ишонч, ҳамдардлик, виждонийлик, ҳамкорлик, орият) тамойиллар асосида такомиллаштиришда ментал ва маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олиб ёндашиш

самарадорлигининг ижтимоий-маънавий аҳамияти борасидаги тавсиясидан «Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази томонидан 2018 йил 28 февралдан 17 мартгача «Оила ва жамият» мавзусида ўтказилган ижтимоий сўровларда фойдаланилган («Ижтимоий фикр» жамоатчилик марказининг 2018 йил 24 сентябрдаги 01-16/302-сонли маълумотномаси). Ушбу илмий натижалар социологик сўровлар ўтказишда аҳолининг турли қатламлари вакилларининг ижтимоий ҳаётга рационал-прагматик ва маънавий-аксиологик ёндашувларини ҳисобга олиш ва мутаносиб қўллашга хизмат қилган;

ижтимоий ҳамжиҳатликнинг мустаҳкамлашда зарур бўлган ҳар бир фуқаро истагидаги мақбул ёндашув ва ижтимоий воқелик меъёрлари (қонунлар, жамият қоидалари) ўртасидаги уйғунлик ва яқдилликни жонли мулоқот, коучинг, тренинг усуллари орқали шакллантирилишининг ижтимоий зарурати борасидаги таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Самарқанд шаҳридаги Халқ қабулхонаси томонидан аҳоли муаммоларини хонадонма-хонадон ўрганиш бўйича ўтказилган тадбир жараёнида кенг фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Президентининг Самарқанд шаҳридаги Халқ қабулхонасининг 2018 йил 19 ноябрдаги маълумотномаси). Ушбу илмий натижаларнинг амалиётга жорий этилиши давлат органлари ва жамоат ташкилотлари билан аҳоли ўртасидаги ижтимоий муносабатларда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш механизмларини янада такомиллаштиришга хизмат қилган;

ижтимоий ҳамжиҳатлик тамойилларини (эркинлик, адолат, ишонч, меҳр-оқибат, ҳамкорлик, ҳамдардлик, ғурур, ўзаро ҳурмат) ҳар бир этник бирлик ҳудуд ва соҳаларда обрў-эътиборли шахс омили, унинг ақл-фаросати, ташаббускорлиги, феъли, иродаси негизда рўёбга чиқарилиши жамиятда воқеликка позитив ёндашувни кучайтиришига доир тавсиядан Республика Маънавият ва маърифат марказининг «Ўзбекистон Республикасида 2018 йилда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ривожлантиришни янги босқичга кўтаришга доир чора-тадбирлар Дастури»нинг IV боби 34-бандида белгиланган ижтимоий тармоқлар, Интернет сайтлари, мобил мессенжерлар воситасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларни аҳоли, айниқса, ёшлар, хориждаги ватандошларимиз ўртасида кенг тушунтириш ишларига қаратилган онлайн сўровномалар, муҳокамалар ва мулоқот майдонлари ташкил қилиш вазифалари ижросини таъминлашда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2018 йил 24 сентябрдаги 01/015-1017-18-сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши ижтимоий ҳамжиҳатлик тамойилларини ҳар бир ҳудуд ва соҳаларда обрў-эътиборли шахс омили негизда рўёбга чиқарилиши жамиятда воқеликка позитив ёндашувни кучайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро, 11 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосида илмий натижаларни чоп этишга тавсия этилган нашрларда 7 та илмий мақола, шундан 3 таси хорижда (Ҳиндистон, Америка, Россия), 15 та тезис, шундан 4 таси халқаро конференция материаллари тўпламида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат, умумий ҳажми 146 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида мавзунинг долзарблиги ва илмий зарурати, республикаимиз фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мувофиқлиги, диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси ҳамда хорижий илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, усуллари ёритилган. Шунингдек, диссертациянинг илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва илмий-амалий аҳамияти баён қилинган.

Диссертациянинг «**Ижтимоий ҳамжиҳатлик тамойилларини ўрганишнинг илмий-назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида «ижтимоий ҳамжиҳатлик» тушунчасига илмий таъриф берилиб, уни ўрганиш бўйича хориж тажрибаси, ижтимоий ҳамжиҳатлик тамойилларининг методологик асослари таҳлил этилган. Маълумки, инсон ҳаёти давомида бошқа одамлар билан муносабат ва мулоқотга доимо эҳтиёж сезади. Инсон айнан жамиятда маданият, фаолият ва мулоқот орқали инсонийлик моҳияти ҳамда ижтимоий кераклигини англайди. Иккинчи томондан, жамиятдаги турли воқеалар таъсири туфайли инсон ўз эркинлиги, бошқалар билан ҳамжиҳатлилиги, табиий, ақлий ва ижодий ривожланишини чеклайдиган мураккабликларни бошидан кечиради. Ҳар бир жамиятда ўз меъёр ва қоидаларига асосланган тартиботлар мавжудлиги сабабли, унда яшайдиган ҳар бир инсон ушбу талаблар асосида ўз эркинлигига эришиш борасида мунтазам изланади. Шу сабабли, ижтимоий ва шахсий муносабатлар тизими муҳим омил ҳисобланиб, шахснинг умумий ижтимоий мақсад, ирода ва қадриятлар доирасида шаклланишига кенг имкониятлар яратади.

Афлотуннинг фикрича, бир нечта кишиларнинг ўзаро келиша олмаслиги ҳам адолатга путур етказиши мумкин, чунки уларнинг ҳар бири ўзгаларни адолатсиз ва унга қарши деб ҳисоблаб, ўзини ҳақ деб билади. Шу сабабли, жамиятда келишмовчилик имкониятини чекловчи, ижтимоий-ахлоқий ва амалий хатти-ҳаракатларнинг ягона доминантлари белгиланиши

керак. Низо ва адоват адолатсизликни келтириб чиқаради, Аллома эса адолат ҳамжиҳатлик ва дўстлик билан узвий боғлиқ, деб ҳисоблаган⁷.

Бизнингча, инсон тараққиёти учун жамиятнинг умумий мақсадини ўзлаштириб, шу асосда яшаш ва фаолият юритиш муҳим вазифа ҳисобланади, чунки мақсаднинг тўғрилиги ва уларга эришишга ишонч унга онгли ҳамда ихтиёрий тарзда хизмат қилиш имконини беради.

Ижтимоий ҳамжиҳатлик назариясини Эдгар Шейн модели⁸ асосида ўрганганимизда, бунда жамият умумий маънавий мақсад ва қадриятларга эга бўлади. Уни шакллантириб, мустаҳкамлайдиган, унинг шундай ҳолатга келиши мумкин бўлган ижтимоий ҳаёт моҳиятини англаш жуда мураккаб жараён саналади. Зеро, фуқаролик ва сиёсий институтларнинг ижтимоий ўрни, роли ва аҳамияти, уларнинг ҳамжиҳатлиги, мустаҳкамлиги кафолати янги давр жамияти ва фуқароси учун энг муҳим омил ҳисобланади.

Ижтимоий ҳамжиҳатлик шахс томонидан жамият қадриятларини англашда биринчи қадамдир. Ҳамжиҳатлик ижтимоий зарурият билан ўзаро боғлиқ бўлиб, инсоннинг ўзи учун мақсадли ва онгли равишда муайян ижтимоий позиция яратишида иштирок этади. У жамият ҳар бир иштирокчиси барқарорлиги ва хавфсизлигини кафолатлайдиган ижтимоий норма ҳам ҳисобланади. Шу сабабли ижтимоий ҳамжиҳатликни моҳиятан рационал-прагматик деб таърифлаш мумкин. Жамиятда барқарор, мунтазам ижтимоий ҳамжиҳатликка эришиш мумкин, унда ижтимоий ҳаёт турли аъзоларининг бир-бирига бўлган ўзаро ҳурмати бош қадрият сифатида белгиланади. Шу боисдан, ижтимоий ҳаётнинг рационал-прагматик (шахслараро муносабатлар, атрофидагилар билан ўзаро муносабатлар, инсон табиати ва фаолияти) ва маънавий-аксиологик (ишонч, ахлоқ, ҳуққ-атвор, мақсадни белгилаш) ёндашувларнинг Эдгар Шейн модели асосида ўзаро боғлиқлигига эътибор қаратилади. Бунда ҳамжиҳатлик омилини маънавий-ахлоқий (ишонч, ҳамдардлик, виждонийлик, ҳамкорлик, орият) тамойиллар асосида такомиллаштиришда ментал ва маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олиб ёндашиш самарадорлигининг ижтимоий-маънавий аҳамияти муҳим аҳамият касб этади.

Жадал тараққиёт ва янгиланишларнинг туб ислохотларини бошлаб берган «Ҳаракатлар стратегияси» мамлакатимиз тараққиётининг барча соҳаларида миллий юксалишнинг барқарор жорий этилиши, халқимиз яхши яшашига, бахтли турмуш кечиришига, ривожланган дунё даражасидаги фаровонликка эришишдан иборат орзуларини рўёбга чиқаришга йўналтирилган адолат мезони ҳисобланади. Бугунги кунда фуқароларнинг дардини эшитишда, муаммоларини ҳал этишда, арзон ва қулай уй-жойларга эга бўлишда, саломатлиги ва кафолатли хавфсизлигини таъминлашда, касб, билим, ҳунар ўрганиш имкониятларининг кенгайишида, кўплаб саноат корхоналари бунёд этишда, раван ва текис йўллар, маданият ва спорт иншоотлари барпо этилишида, давлат идораларининг халққа тўлалигича

⁷ Қаранг: Платон. Государство. –М.: Наука, 2009. -С.111.

⁸ Шейн Э.Х. Организационная культура и лидерство. – СПб.: Питер, 2002.-С.336.

хизмат қилишида «Ҳаракатлар стратегияси» методологик асос бўлиб хизмат қилиши таҳлил этилган. «Ҳаракатлар стратегияси» Ўзбекистонни тез суръатлар билан ўзгараётган замон талаблари асосида жадал ривожлантиришнинг илмий-назарий, амалий-конструктив асосларини белгилаб берадиган, тараққиётнинг янги даври учун мўлжалланган муҳим дастуриламалдир.

Бугунги кунда Президент Ш.Мирзиёевнинг «Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз» деган эзгу ва ҳаётбахш шиори асосида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар туфайли ҳар бир кунимиз инсон манфаатларини таъминлаш, фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларини кафолатли ҳимоя этиш, одамларни рози, бахтли, саодатли қилишга қаратилган янги, қудратли ўзгаришлар руҳида кечмоқда. Ўзбекистон жамияти ўз тараққиётида сифат жиҳатидан мутлақо янги даврга қадам қўймоқда.

«Ҳаракатлар стратегияси» халқчиллик, инсонпарварлик, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик ва эзгулик ғояларига таянади. Барча ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни адолат ва халқ манфаатларини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш назарияси «Ҳаракатлар стратегияси»да илк бор давлатнинг устувор ҳамда давомли, очиқ сиёсати сифатида амал қила бошлади. Адолат тамойили давлат ва жамият барча соҳаларида устувор ижтимоий-маънавий асос ҳамда ҳаракатлантирувчи куч сифатида намоён бўлмоқда. Давлат манфаатларига нисбатан халқ ва инсон манфаатларининг устувор экани билан боғлиқ назариянинг «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» давлат дастури моҳиятини ифода этувчи «Инсон манфаатлари ҳар нарсадан улуг» ғояси асосида амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда барпо этилаётган ижтимоий макон компромисс негизида эмас, балки консенсус, яъни яқдил келишиш назарияси асосида қурилмоқда. Ижтимоий муносабатларда консенсус, яъни ҳамжиҳатлик, яқдиллик назарияси одамларнинг кўтаринки руҳиятини таъминлайдиган ижтимоий-маънавий муҳитни барча жойда – оила, маҳалла, корхона ва ташкилотларда шакллантириш талаби сифатида майдонга чиқмоқда, бу талаб кенг кўламли ижтимоий ҳаракатга айланмоқда.

Халқ билан мулоқот тизимли иш бошлади, уйма-уй, хонадонма-хонадон юриб одамларнинг муаммоларини жойида ҳал қилиш, ҳамжиҳатлик ва реал кўмак таклиф этиш амалиёти йўлга қўйилди. Давлат ва жамият манфаатлари йўлида илгари ўзаро боғланмаган идора ва муассасалар ўртасида ижтимоий ҳамжиҳатлик муносабатларининг кенг ёйилиши кузатилмоқда. Ҳоким ва тадбиркор, фермер ва хизмат соҳалари ўртасидаги ҳамжиҳатлик алоқалари кучайди.

Маълумки, халқ билан мулоқот давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларни ифода этади, бу жараён турли даврларда турлича кечган. Агар Соҳибқирон Амир Темури даврида арз қилиб келган одамлар орқали ҳолат ўрганиб борилган бўлса, айрим ҳукмдорлар халқнинг турмуш шароити ва муаммоларини ўрганиш учун либос ва қиёфаларини ўзгартириб, тунда шаҳар ва қишлоқлар кезишган. Миллий тарихимизда халқ билан мулоқот

аниқ бир тартиб ёки қонун-қоидалар асосида эмас, балки ҳар бир ҳукмдорнинг шахсий рағбати, хоҳиши доирасида амалга оширилган. Ҳозирги вақтда халқ билан мулоқот махсус ишлаб чиқилган тизимли фаолият сифатида йўлга қўйилди. Бу фаолият одамларнинг ҳаёти, турмуш тарзи, дарду ташвишлари давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан тизимли ўрганиб борилишини таъминламоқда, иккинчи жиҳати, аҳолининг ўз ташаббуси билан қиладиган мурожаатларини бетўхтов қабул қиладиган, эшитадиган механизм виртуал қабулхоналар фаолият олиб бормоқда.

Халқ билан мулоқот нафақат одамларни тинглаш, балки уларнинг таклиф ва тавсиялари асосида мамлакатимизни янада ривожлантириш имкониятларини кенгайтиришни ҳам назарда тутди.

Ҳамжиҳатлик фаолиятини самарали ташкил этиш учун турли ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахслар битта мақсад йўлида бирлашишлари, манфаатпарастликка чек қўйилиши лозим. Ҳозирги кунда умумий манфаат йўлида турли ташкилотларнинг бирлашишлари жараёнлари ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан йўлга қўйилди. Келгуси вазифа ана шу ишни аниқ мазмун билан бойитган ҳолда фаол, тезкорлик билан амалга оширишдан иборат. Ҳамжиҳатликдаги ишни самарали йўлга қўйиш, уни мазмундор ҳамда ижтимоий фойдали қила олиш шахс омилига, унинг ақл-фаросати, ташаббускорлиги, феъли, иродасига боғлиқ. Жамиятда обрў-эътиборли инсонлар ҳамжиҳатликдаги фаолиятни йўлга қўя олганликлари билан янада ҳурмат қозонишади.

Олиб борилган тадқиқот натижасида хулоса қилиш мумкинки, «Ҳаракатлар стратегияси» мамлакатимизнинг барча соҳаларида барқарор юксалишга эришиш, халқнинг яхши яшашига, бахтли турмуш кечиришига, дунё даражасидаги фаровон ҳаётда яшашдан иборат орзуларини рўёбга чиқаришга йўналтирилган адолат мезони ҳисобланади.

Диссертациянинг **«Халқ билан мулоқотда ижтимоий ҳамжиҳатликнинг ўзига хос хусусиятлари»** деб аталган иккинчи бобида ижтимоий ҳамжиҳатлик тамойиллари, уни давлат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлиги орқали давлат сиёсати асосида амалга оширилиши таҳлили ёритилган.

Халқ билан мулоқотда ижтимоий эркинлик шундай тамойилки, унинг борлиғи инсонни маълум ижтимоий тизимда унга нисбатан белгиланган мажбуриятларни бажариш билан бирга турли умуминсоний, мақбул ҳаракатини амалга оширишнинг кафолатланган имконияти мавжудлигини ифода этади. Мазкур эркинлик умумий эзгуликни қарор топтириш билан бирга, барчанинг манфаатларини ўзида мужассам этади. Бундай эркинлик асосида муайян объектив-функционал кадриятлар намоён бўлиши билан бирга, ҳар бир инсон томонидан мавжуд ижтимоий кадриятларни англаш омиллари ётади. Умуман олганда, эркинликнинг ушбу тури ижтимоий зарурият билан ўзаро боғлиқ бўлиб, инсонни мақсадли ва онгли равишда муайян ижтимоий тизим доирасида адекват иш тутишини тақозо этади.

Ижтимоий барқарорлик жамиятда ҳукм сураётган тинчлик, бирдамлик ва бунёдкорликка йўналтирилган муҳит ҳолатини ўзида ифода этади. Инсонларнинг англаниган мақсад ва позитив хоҳиш-истаклари доирасида ҳамжихат бўлиб бирлашишлари ижтимоийлашув жараёнининг ўзаги ҳисобланади.

Ижтимоий эркинликни англашнинг юқори чўққиси ижодий ва маънавий англаш даражаси бўлиб, ҳамжихатликнинг аксиологик асослари билан уйғунлашувидир. Бунинг учун ижтимоий организм турли элементлари ягона яхлитликка ихтиёрий бирлашиши керак. Таъкидлаш керакки, ижтимоий яхлитлик асосларини тадқиқ этишда нафақат объектив-функционал қоидаларга кўмаклашадиган тарафларни, балки аксиологик йўналиш ҳисобидан мавжуд тарафларни ҳам кўриш лозим. Ижтимоий ҳамжихатлик инсоннинг маънавий ривожини ва ижодий моҳиятини ташкил этадиган қадриятлар негизида шаклланади. Эркинликнинг маънавий қиёфаси ижтимоий зарурият табиатини англаш билан боғлиқликда намоён бўлади.

Халқ билан мулоқотда ижтимоий ҳамжихатлик тамойилларининг самараси давлат идоралари ходимлари аҳоли муаммоларининг моддий, маънавий-ахлоқий жиҳатларини теран англаб, ҳар бир фуқаро истагидаги мақбул ечим билан ижтимоий воқелик талаблари (қонунлар, жамият қоидалари) ўртасидаги мувозанатни мувофиқлаштириш имконияти таъминланганидан сўнг бошланади. Чунки айнан шундай ёндашув орқали жамиятда ўрнатилган ижтимоий, ҳуқуқий ва сиёсий барқарорлик таъминланиб, турли соҳаларда шахс ва жамият, шахс ва давлат ўртасидаги зарур яқдиллик муҳити юзага келади.

Шунингдек, ижтимоий ҳамжихатлик деганда, биринчидан, жамият ҳаётининг маънавий асослари билан ижтимоий-сиёсий институтларнинг ўзаро боғлиқлигини ҳам тушуниш керак. Иккинчидан, ижтимоий ҳамжихатлик жамиятнинг турли соҳалари (сиёсий, иқтисодий, маънавий, маданий ва ҳ.к.)да инсон ижобий шаклланиши жараёнида унинг тенг иштирок этиши таъминланишини эътиборда тутиш лозим. Учинчидан, ижтимоий ҳамжихатлик жамиятда шаклланиган ижтимоий фикр асосида босқичма-босқич ўзгариб бориши, жамоатчилик фикрига мос янги ижтимоий-сиёсий институтлар юзага келишини ҳам социологик прогноз қилиш мақсадга мувофиқ.

Позитив ижтимоий ўзгаришлар билан боғлиқ жараёнлар, шунингдек, «шахс – давлат – жамият» кесимида шахс омилининг устуворлиги ҳам ижтимоий ҳамжихатликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади. Жамият ҳаётида аҳолининг турли масалалари бошқарув органлари вакиллари билан ҳамжихатликда муҳокама этилиши, унда турли табақа ва қатламлар вакилларининг бевосита иштироки жамият ташқи ҳамда ички хавфсизлигига эришишни ҳам таъминлайди.

Ғарбда ижтимоий муаммо ва келишмовчиликлар сиёсий ҳамда маъмурий йўл орқали ҳал этилган. Европада шахар кенгашлари сонининг кўплиги, фармон ва хужжатларда (масалан, машҳур хартиялар) муайян

ижтимоий уюшманинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари доимий равишда аниқланганини мисол қилиш мумкин. Хусусан, Германияда XX асрнинг бошлари ва 30-40 йилларида амалдаги объектив-функционал механизмлар табақа ҳамда қатламлараро зиддиятларга барҳам берилишига қарамасдан, улар немис миллий шовинистик ижтимоий ўзлигини нотўғри англашининг кучайишига қаршилик кўрсата олмаган.

Шу билан бирга, мамлакатимиз тарихида ҳам ижтимоий ҳамжиҳатликка тўсиқлар мавжуд бўлган. Кўплаб этник ва маданий элементлар ичида уларнинг умумий аксиологик йўналишини топиш доимий ҳамда муҳим муаммо бўлиб келган. Ижтимоий ҳамжиҳатликка тўсиқ бўладиган қатор омиллар, хусусан, сиёсий барқарорликка эришишда асосий ва етакчи маънавий пойдеворни топиш ҳамда жамият барча элементларини бир мақсад йўлида бирлаштириш муаммоларини қайд этиш мумкин. Қачон ижтимоий ҳамжиҳатлик тўла таъминланган ёки ушбу тамойилга бошқа муҳим ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар ҳамроҳлик қилган бўлса, ижтимоий тараққиёт шундагина барқарор амал қилади.

Ташқи хавф-хатар, ички муҳит муаммолари ҳамда ижтимоий-маданий парадигмаларнинг тез-тез алмашуви ҳам ижтимоий ҳамжиҳатликка жиддий ҳалал беради, шу боис унинг барқарорлигини таъминлайдиган яна бир муҳим омил – аксиологик асослар ҳам керак бўлади.

Олиб борилган тадқиқотимизда аксиологик асослар сифатида, биринчи навбатда, ижтимоий барқарорликни таъминлаш учун миллий кадриятлар таъсирини ошириш, ижтимоий ҳамжиҳатлик усулларини яратиш, улар ёрдамида жамиятнинг маънавий асослари ва миллий ўзига хослигини сақлаб қолишга қодир социологик парадигмаларни шакллантириш муҳимлиги асосланди. Шу боис ўзликни сақлаб қолиш ғояси етакчи тамойил бўлиб, у ҳуқуқий ва сиёсий тартибга солишдек муҳим вазифа билан бирга ижтимоий ҳамжиҳатлик ғоясида намоён бўлади. Жамиятда ижтимоий ҳамжиҳатликнинг вужудга келиши билан боғлиқ жараёнлар нафақат ижобий, балки салбий томонларни ҳам мужассам этиши мумкин. Агар мазкур ҳодисага инерцион ёндашув жорий этилса, бу жараён турли гуруҳ ва қатламлар манфаатларини архаик ҳамда анъанавий тушунчалар асосида бирлашувига кўмаклашиши мумкин. Зеро, давлат ҳокимияти ва нодавлат институтлар ушбу асосларнинг ижтимоий-сиёсий ва мафкуравий таъсирини кучайтиришда намоён этиши зарур бўлади.

Бугунги кунда давлат ташкилотларига жамият ҳаётини самарали ташкил этиш, ижтимоий ва иқтисодий сиёсатни жойларда мақбул тарзда амалга ошириш, маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро алоқасини таъминлаш субъектлари сифатида қаралмоқда. Айнан шу институтларда аҳолининг ўзини ўзи ташкил этиш, ўз ижтимоий алоқа механизмини ўзи тартибга солишга бўлган эҳтиёжи намоён бўлади. Бунда давлат ва фуқаролик жамияти бир-бирини ўзаро тартибга солади, улар фаолиятининг демократик хусусияти таъминланади. Давлат билан бирга фуқаролик жамияти ҳам бошқарув объекти ва субъекти

ҳисобланади, бир томондан, у фуқароларнинг умумий манфаатини рўёбга чиқариш учун ўзаро муносабатлар тизимини тартибга солувчи давлатдан таъсирланади, бошқа томондан, ўзини ташкил этувчи фуқаролар ҳамда ижтимоий бирликларнинг алоҳида ва умумий манфаатларини ҳисобга олиб, давлат идоралари фаолиятига фаол таъсир кўрсатади.

Фуқаролар амалиётда ўз ҳаётий масалаларини, аввало, маҳаллий ҳокимият органлари билан биргаликда, маҳаллий бошқарувчилар билан бевосита мулоқот воситасида ҳал қиладилар. Маҳаллий аҳамиятга молик вазифалар, яъни бозор ислохотларини амалга ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш, ишсизларни иш билан таъминлаш, истеъмол бозорини тўлдириш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, фуқароларнинг моддий фаровонлигини ошириш ва аҳолини кучли ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари маҳаллий ҳокимият идоралари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ҳал этилиши зарур бўлса-да, аммо баъзи ҳолларда муаммолар ечимини эътибордан четда қолдирмоқдалар.

2017 йил юртимизда «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилинди. Аввало, мазкур йилнинг асосий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, давлат органларининг фуқаролар билан ўзаро муносабатлари тубдан қайта кўриб чиқилди. Бу борада аҳоли билан доимий мулоқот қилиш, уларни қийнаётган муаммоларни ҳал этишнинг янги механизм ва самарали усуллари жорий этилди. Аҳоли энг кўп мурожаат қиладиган давлат идоралари фаолиятида фуқаролар билан ишлаш бўйича сифат жиҳатидан мутлақо янги тизимга ўтиш ҳақида, хусусан, 2017 йилдан бошлаб барча даражадаги ҳокимлар, прокуратура ва ички ишлар органлари раҳбарларининг аҳоли олдида ҳисобот бериш тизими жорий этилди. Шу билан бирга, ҳар бир туман ва шаҳарда Халқ қабулхоналари ташкил этилиб, уларнинг тўлақонли фаолият кўрсатиши таъминланди. Халқ билан мулоқотда ижтимоий ҳамжиҳатлик тамойилларини намоён қилиш, моддий ва маънавий, ахлоқий, диний, ижтимоий эркинлик қадриятларига таяниш, уларнинг таъсирини ҳис этиб, теран англаб, ёндашиш механизминини қўллаш анъаналари таркиб топди.

Тадқиқотимиз натижалари орқали муайян ижтимоий яқдилликка эришиш учун асосий ўринга миллий қадриятларни кўйиш, улар орқали ижтимоий ҳамжиҳатлик муҳити имкониятларини юзага келтириш мумкинлиги аниқланди. Ижтимоий ҳамжиҳатлик муҳитини барқарор қарор топтириш учун ўзликни сақлаб қолиш ғояси етакчи тамойил бўлиб, бу омил мазкур жараённи ҳуқуқий ва сиёсий тартибга солишдан ҳам афзал ҳисобланади. Ижтимоий ҳамжиҳатлик муҳитини барқарорлаштириш учун аҳолига кундалик ва энг зарур бўлган давлат хизматларини «ягона дарча» тамойили бўйича бир идора орқали кўрсатиш тизимини такомиллаштириш тизими амал қилинаётганлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Зеро, ҳар бир ҳудуддаги вазиятни, аввало, фармон ва қарорлар ижросини, уларнинг самарадорлигини доимий равишда ўрганиб, бу борада давлат органлари масъулиятини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқадиган тизимни

шакллантириш, парламент ва жамоатчилик назоратининг таъсирчан механизмларини шакллантириш мақсадида шаҳар ва туманларда ҳақиқий аҳволни ўрганиб, тегишли раҳбарларнинг ҳисоботларини халқ депутатлари Кенгашлари сессияси муҳокамасига киритиш тартиби жорий этилганлиги ижтимоий ҳамжиҳатликнинг яхлит тизим тарзида амал қилишига имкон яратади.

Диссертациянинг «**Халқ билан мулоқотда ижтимоий ҳамжиҳатлик тамойилларини янада такомиллаштириш йўллари**» деб номланган учинчи бобида халқ билан мулоқот барқарор ривожланишида ижтимоий ҳамжиҳатликка эришиш тамойилларининг аҳамияти, уни такомиллаштириш йўллари ва самарадорлигини ошириш имкониятлари тадқиқ этилган.

Ҳозирги тараққиётимизнинг янги босқичида жамият ҳар бир аъзоси аниқ мақсад сари белгиланган вазифаларни бажаришга шахсан масъуллиги белгиланган. Инсон борлигида моддий ва маънавий манфаатларни қондириш устувор аҳамиятга эга бўлиб, унга оид индивидуал саъй-ҳаракатларнинг халқ мақсадлари, ижтимоий фаолияти билан уйғунлашуви муҳим аҳамиятга эга. Дарҳақиқат халқ билан мулоқот моҳиятини англашда воқеликка жамоавий манфаатлар устуворлиги негизида ёндашиш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу жараённинг холистик (юнонча «холос» - яхлит) моҳияти ҳам моддий ва маънавий манфаатларни яхлит тарзда жамоавий англашга олиб келади. Жамиятда холистик жараённинг вужудга келиши ва ўрнатилишининг шарти шундаки, жамиятга ихтиёрий ва беминнат ўзаро ёрдам бериш анъанаси инсонларнинг бир-бирини тушуниш ҳамда англаш жараёни мавжуд бўлиши сабабли амал қилади.

